



20 20 у. « 4 » сентябрь

№ Қ-441

«    »                    20    г.

**Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви  
“Кўганли” маҳалласи худудидан  
“KO’GANLI O’G’LONI” оилавий  
корхонасига боғ яратиш ва боғдорчиликни  
ривожлантириш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/429-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 22 июндаги 172/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/429-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви “Кўганли” маҳалласи худудидан “KO’GANLI O’G’LONI” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 723қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 3,5 гектар яйлов ер майдони боғ яратиш ва боғдорчиликни ривожлантириш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов